

САБЗАВОТЧИЛАР ВА БОҒБОНЛАР,

АҲОЛИНИ САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА, УЗУМ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН МЎЛ-КЎЛ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!



● Оржоникиде районидagi Ленин номли колхоз республиканинг ирри сабзавоткор хўжаликларида биридир. Бу колхоз сабзавоткорлари Улуз Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига ўз эсималарига бу йил камда 23 минг тонна сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш мажбуриятини олдидлар. Ҳозир улар кўклагига дала ишларини жадал бажармоқдалар. Суратда: плёнка остида ўстирилган эртаги қарам кўчатларини ўтказиш пайти.

Қ. Розиков фотоси. (ЎзТАГ фототехникаси).

САБЗАВОТКОР ВА БОҒБОНЛАРНИНГ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ РЕЖАЛАРИ

- 235 минг тонна сабзавот;
- 92.600 тонна картошка;
- 31 минг тонна мева;
- 40 минг тонна узум;
- 76.600 тонна полиз экинлари етиштирилади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ДАСТУРХОНИГА

Дуёда биринчи социалистик тузумнинг барпо этилганига шу йил кузда 50 йил тўлади. Ўзининг ҳаётбахш нури билан жумлан жаҳонни ёритган бу улуз кун тараққиётпарвар халқларнинг орау-умидларини рўёбга чиқарди. Бу тарихий сана таъини байрам қилинадиган кунини баъта совет кишилари — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар қалблари ижодий, яратувчан меҳнатга тўлиб-тошган ҳолда, ўзининг Коммунистик партияси ва жаҳон Совет давлатидан ҳисси миннатдор ҳолда катта соғалар билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Областимиз кишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам барча совет кишилари қатори зўр гайрат ва фидокорлик билан ишлаб, пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва боғдорчиликда, қалачилик ва пиллачиликда, янги-янги музавфақиятларини қўлга киритиш, юбилейни муносиб зафарлар билан нишонлаш мақсадида социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Улар ана шу улузвор назифани шараф билан бажаришда ҳал қилувчи омил бўлган кўклагига дала ишларини юқори сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Картошкачилик ва сабзавотчиликни ривожлантиришга, демак шаҳарлар меҳнаткашларини бу экинлар ҳосили билан мўл-кўл таъминлашга 1967 йилда жуда катта эътибор берилмоқда. Ана шу ҳаётини вази-фани шараф билан бажариш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Сабзавотчилик хўжаликларидан ихтисослаштирилган, комплекс механизациялаштирилган зенотлар ташкил этилаётганини, бу зенотлар билимдон, ташкилотчи, уста механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаётганини, улар учун зарур техника базаси яратиб берилаётганини буни эътиборга олиш керак. Район партия ва совет ташкилотлари ҳамда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бош қармаларининг ҳодимлари бу соҳадagi ташкилотчилик ишларини кучайтиришлари зарур.

Ишнинг шу муҳим томонига алоҳида эътибор бериш керакки, пландан ташқари етиштирилган маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўлашда қаратларнинг тўлиқ бўлиши, ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда картошка ва сабзавот кўчатлари ўстиришга эришилсин. Бунинг учун картошка уйиб чиқанда бир текшириш, етилганда иккинчи текшириш ўтказиш лозим. Ана шунда қайси зенотнинг қандай ишлагани аниқ равшан бўлади.

Бу йил областимиз сабзавотчилари она-Ватанга, юбилей йили дастурхонига 235 минг тонна сабзавот, 92.600 тонна картошка, 76.600 тонна полиз экинлари, 31 минг тонна мева, 40 минг тонна узум тортиқ қилиш мажбуриятини олганлар. Бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун барча имкониятларга — ишчан кадрларга, зарур техникага, моддий-маънавий базага эгами.

Ҳамина сўзга амал қилиб келган областимиз сабзавоткорлари, боғбонлари ва барча деҳқонлари юбилей йилида ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этидилар, катта тўйга катта тўёна билан борадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 58 (3540). Чоршанба, 22 март 1967 йил. Баҳоси 2 тийин.

ҲИССАМИЗ

ҚАДИМДАН ўлкамиз мева-чева, қову-тарвуз макони бўлиб келган. Ота-боболаримиз бу соҳанинг чин усталари. Ўзбекистон девонда, сермева боғлар, кенг адр ва полизлар кўз олдинига келади.

Биз, кимёгарлар сабзавоткорларга хилма-хил ўқит етказиб берамиз. Миришкор сабзавотчиларимиз унинг қадрига етишди. Эндликда бусиз сабзавотчиларини ривож топтириш, муҳим омил. Шунинг ҳисобга олиб комбинатимиз ҳодимлари минерал ўқитларни тобора кўп ишлаб чиқаришга, унинг хилларини кўпайтиришга, Корхонамизда ўқит тайёрлаб берадиган янги қувватлар ишга туширилган.

Бутун халқимиз кишини-биз сабзавотчилар меҳнатининг самараларини баҳам кўрипти. Эл-юртининг янада кўпроқ сабзавот билан таъмин отиш йўлидаги ишларида уларга муваффақиятлар тилаймиз.

М. ЗОКИРОВ,
Чирчиқ элентрохимия комбинатининг ишчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. Т. ЗАРИПОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАҲРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек фольклорисоди ва навоийшунослик соҳасидаги самарали илмий тадқиқотлари учун филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институти Ўзбек совет энциклопедияси бўлимининг мудири Ходди Тиласович ЗАРИПОВГА «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раяси
Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

1967 йил, 20 март
Тошкент шаҳри.

БОҒБОНЛАР

ЎҚАРИҚНИНГ чап ёнидаги олмазорда ники киши дарахтларга шакл беради. Боғнинг кўч ботар томонидан узоқдан дарахтларга дори сепатган трактор моторининг овози эшитилади. Ўқариқнинг чап ёни кенг узумзор. Ток очатган, узум зангларини кўтариб белгиласиб олган чивиллар билан унинг новдаларини сурилганга боғлаб таяётган одамларни кўрасиз. Майин баҳор ели қиз-жувонларнинг рўмолларини оҳиста қил-пиратади.

Бутун ишқом оралаётганлар ҳар галгидан кўпроқ кўрилади. — Бунинг сабаби бор, — дейди «Дамачи» боғдорчилик совхозини 1-бўлимининг бошқарувчиси Асомхўжа Нисомхўжаев, — ҳозир ҳамманинг ҳаёли боғ-токзорларда. Боғроғларимиз кузга бориб шигил ҳосил тўкса турмушимиз янада фаровон бўлади.

Дарҳақиқат, биз тоқзорларни айланар оғамиз. Халил Усмонов, Қўбсиддин Аббасов, Нури Абдуллаевлар билан бир қаторда кекса отахонлардан Маҳаммад Комитов, Абдулалим Умаров, шофер Наби Абдурахмонов, бухгалтер Карима Қовунов, кассир Зелиха Сайфулбова, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи Мубина Муродасимова, Хатира Муҳамедова ва

бошқалар кўклагининг ҳар дақиқасини ганимат биллиб гайрат кўрсатиб ишлаётганининг гувоҳи бўлиди.

Дамачилик кўли гул, қалби саҳий боғбонлар эл-юрт дастурхонини мўл-кўл мева-чева билан безатиш кўнглига туги, мўл ҳосилга замин яратишга яшайпти. Шу кунгача 300 гектарга яқин ердаги дарахтга шакл берилади, 25 гектардан зиёд ток очилди. 460 тоннадан

зиёд маҳаллий ўқит далага сепилди. Дамачиликлар янги Тошкент қурувчилари ва шаҳар аҳолисини мўл-кўл боғ маҳсулотлари билан таъминлаш учун боғдорчилик ишларини кун сайин қил-зидибу йил 800 тоннадан зиёд мева-чева, камда 1470 тонна узум етиштиришга аҳд қилди.

Б. ПУЛАТОВ,
Калинин райони.

Кеч кузгача россиялик бинокорлар шаҳарчаси дўконлардан ҳўл мева аримади. Ленин киши кезлари мева-чева тақчил бўлиб қолди. Қани энди йил бўйи дастурхонимиз устидан олма ва узум, анжир ва анор ариласа, картошка ва сабзавот тахчил бўлмаса. Соҳибдорлар ва сабзавоткорлар шаҳарликлар оҳиёкинни тўлароқ қондирши мақсадида бу йил тагин ҳам зўр гайрат билан меҳнат қилишлари керак.

Кузда хирмон баракали бўлсин.

А. СОЛДАТОВ,
Подмосковье қурилиш поезди бошлиғи.

САБЗАВОТ ЭКИШ АҲЖИДА

Шу кунларда 1-«Оҳангарон» совхозининг даладарига чик-сангиз, сабзавот ва картошкани жадал экаётган деҳқонларни кўриб ҳавасингиз келади. Улар бир-бир ҳам тиним биллишмайди, ҳозирги ганимат кунлардан қанчалик унумли фойдаланиб қолинса, шунча яхши, дея астойдил ҳаракат қилинади.

Совхознинг 1-бўлимидаги механизатор ўртоқ Эргаш Қурбонов бошлиқ зенот сабзавоткорлари картошкани бундан бир неча кун илгари экиб бўлган эдилар. Энди бошқа экинларни сифатли қилиб экишга зўр беришга яшайпти. «Оқтариқнинг шоили юбилейи бўладиган бу йил биз мавжуд 18 гектар еримиздан камда 450 тонна сабзавот маҳсулотларини олиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қиламиз», — дейишмоқда улар.

Ўртоқ Қарим Сариев бошлиқ участкада ҳам экин-тиник ишлари тобора ажз олаётини. Сабзавоткорлардан Н. Чинпулатова, У. Мамедова, Х. Умархонова, Б. Ўролова сингари ўртоқлар қарам кўчати ўтказишда кунлик нормаларини бир ярим ҳисса қилиб бажаришга яшайпти.

Бўлим сабзавоткорлари бу йил давлатга ҳаммаси бўлиб 2100 тонна сабзавот, картошка ва қову-тарвуз етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу ўтган йилдаги ҳосилга нисбатан бир ярим беравара кўп демакдир.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

КУН ТАРТИБИДА ЭКОНОМИКА ПРОБЛЕМАЛАРИ

21 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залига иқтисодчиларнинг республика кенгаши очилди. План, молия, статистика, хўжалик органларининг ҳодимлари, партия, совет, ка, саба союз ташкилотларининг вакиллари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юрталарининг ҳодимлари Ўзбекистонда планлаштириш таъминлаштириш ва иқтисодий ишларни яхшилаш йўллари муҳоама қилинмоқдалар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бюроси аъзоллигига қандат, Ўзбекистон Компартияси Мар-

казий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси С. К. Зиядуллаев «КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди қарорлари асосида республика халқ хўжалигини планлаштириш таъминлаштириш ва иқтисодий ишларини яхшилаш вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Сенциялар тузилди. Бу сенцияларда иқтисодий ишларни яхшилашга доир айрим проблемалар батафсил муҳоама қилинади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросининг аъзолари И. Г. Анисимов, Р. К. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, М. М. Мухомонов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, СССР Госплани Раисининг ўринбосари А. В. Бахурин, СССР Министрлар Совети хузуридаги марказий статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Л. М. Володарский, СССР Молия министрининг ўринбосари И. В. Гузиков ва иттифоқ министрилари ҳамда бошқармалари, илмий ташкилотларнинг бошқа ҳодимлари қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ШАҲАР меҳнаткашларига йил сайин қўлаб сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари етказиб беришда областимизнинг илгор ва пешқадам сабзавотчилари зўр гайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Чандаги суратда: (чапдан) Ўзбекистон сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институти директори Н. Каримов, Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг раиси Т. Мирзаев, Қарл Маркс номли колхоз раиси Е. Абдулаев ва Оржоникиде районидagi Ленин номли колхоз раиси Т. Нормухамедов ўртоқлар ўз-ара фикр алмашмоқдалар. Ўндаги суратларда: (юқоридан пастга) Калинин районидagi генерал С. Раҳимов номли колхоз раиси М. Маъмуров ва шу райондаги К. Маркс номли колхозининг участка бошлиғи Д. Ҳайдаров ўртоқлар.

А. Тўраев ва М. Нуриддинов фотолари.



